



МАКТАБГАЧА ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИФАОЛИЯТИНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ МОЛИЯВИЙ МЕХАНИЗМИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ТАҲЛИЛ

Насурова Камолахон Равшановна

Тошкент давлат иқтисодиёт университети

Мустақил изланувчиси, Тошкент Ўзбекистон. Email: www.nasurovavr1975@mail.ru

ORCID:0000-0001-8149-9875

ANALYSIS OF THE DEVELOPMENT OF A FINANCIAL MECHANISM FOR THE DEVELOPMENT OF PRESCHOOL EDUCATIONAL INSTITUTIONS

Nasurova Kamolkhon Ravshanovna

independent researcher of

Tashkent State University of Economics,

Tashkent, Uzbekistan

ORCID:0000-0001-8149-9875

JEL Classification: G51

Аннотация: Уибӯ тадқиқот мактабгача таълим муассасалари фаолиятини ривожлантиришининг молиявий механизмини таҳлил қилишига багишланган. Ривожланган мамлакатларда мактабгача таълимнинг аҳамиятининг ортиши ва жамиятдаги ижтимоий-иқтисодий ривожланишидаги роли ҳақидаги маълумотларни олиб, тадқиқотнинг мақсади - молиявий механизмларни тақомиллаштириши, уларни самарали фаолият юритишини таъминлаш ва

Натижада, тадқиқот мактабгача таълимнинг самарадорлигини ошириши, фаолиятни молиялаштириши тизимини тақомиллаштириши ва билм олиши жараёнини яхшилаш бўйича тавсиялар беради. Мактабгача таълим ташкилотларининг давлат-хусусий шерикчилик тизимига асосланган йўналтишларини қўллаб-қувватлашига йўналтирилган кредит портфелининг диверсификация тизими орқали қамров даражаси паст бўлган туманларда мактабгача таълим ташкилотлари

таълим сифатини оширишига кўмаклашишидир.

Тадқиқотда, мактабгача таълим муассасалари учун молиялаштириши манбалари, бюджетлар, хос иқтисодий инструментлар ва давлат-хусусий ҳамкорлик механизмлари каби аспектлар кўриб чиқлади. Уибӯ механизмларнинг ишилаши ва ривожланиши билан боғлиқ муаммолар ҳамда уларни ҳал қилиши йўллари тақлиф этилади.

тармогини кенгайтириши имкониятлари асосланган. Давлат-хусусий шерикчилик ва хусусий шаклдаги мактабгача таълим ташкилотларини ривожлантиришига йўналтирилган фонdlар орқали мактабгача таълимга хусусий сектор маблағларини жалб қилиши, нодавлат мактабгача таълим ташкилотлари фаолиятини ташкил этиши ва қамров даражасини ошириши имкониятлари аниqlанган. Давлат-хусусий шерикчилик асосидаги нодавлат мактабгача таълим ташкилотлари фаолиятини молиявий қўллаб-қувватлашига

йўналтирилган халқаро молия институтларининг кредитлари (қарзлари)ни жалб қилиши билан боғлиқ лойиҳаларни қўллаб-кувватлашга доир таъриф ва имтиёзлар тизимини шаклантириши йўллари аниқланган. Тадқиқот, шунингдек, амалдаги тизимларни ўрганиши ва замонавий талабларга жавоб берувчи янги қарорларни ишлаб чиқиши учун асос бўлиб хизмат қиласди.

Abstract: This study is devoted to the analysis of the financial mechanism of development of activities of preschool educational institutions. Given the information about the growing importance of preschool education in developed countries and its role in the socio-economic development of society, the aim of the study is to improve financial mechanisms, ensure their effective functioning and promote the improvement of the quality of education. The study examines aspects such as funding sources, budgets, specific economic instruments and mechanisms of public-private cooperation for preschool educational institutions. Problems related to the operation and development of these mechanisms and ways to solve them are proposed. As a result of the study, recommendations were given for increasing the effectiveness of preschool education, improving the system of financing activities, and improving the learning process. Opportunities to expand the network of

preschool education organizations in districts with a low level of coverage are based on the diversification system of the loan portfolio aimed at supporting the directions of preschool education organizations based on the public-private partnership system. Possibilities of attracting private sector funds to preschool education, organizing the activities of non-governmental preschool education organizations and increasing the level of coverage have been identified through funds directed to the development of preschool education organizations of a public-private partnership. Definitions and ways to form a system of benefits to support projects related to the attraction of loans (debts) from international financial institutions aimed at financial support of the activities of non-governmental preschool educational organizations based on public-private partnership have been defined. Research also serves as a basis for the study of existing systems and the development of new solutions that meet modern requirements.

Калим сўзлар: мактабгача таълим, молиялаштириши, самарадорлик, бюджет маблаглари. мактабгача таълим тизими, бюджет тизими, таълим тизимини, молиялаштириши.

Key words: preschool education, funding, efficiency, budget allocations. preschool education system, budget system, education system, financing.

Кириш

Бугунги ривожланаётган дунёда таълим тизими самарадорлигини таъминлашда мактабгача таълим ва уни ривожлантириш жараёнларига эътибор қаратиш алоҳида аҳамиятга эга. Мактабгача ёш даври боланинг ҳаётидаги энг муҳим босқичлардан бири ҳисобланиб, у таълимнинг барча босқичлари учун муҳим характер касб этади. Ушбу даврда бола танасининг барча тизимлари ва

функцияларининг интенсив ривожланиши, камолотга эришиши содир бўлади. Боланинг бўйи ўртача 20-25 см ўсиб, тана вазни ва мия ҳажми ортиши ҳисобига асаб тизимининг юқори нерв фаолияти ривожланади.

Бирлашган миллатлар ташкилотининг болалар жамғармаси “Глобал таълим имкониятларини молиялаштириш” бўйича халқаро комиссиясининг жаҳон таълим инқизозини ҳал қилиш стратегиясига мувофиқ тахминан

387 миллион бошланғич мактаб ёшидаги, 230 миллион ўрта мактаб ёшидаги болалар математика бүйічә минимал билим даражасыга эриша олмаяпты [1]. 2030 йилга бориб, паст ва ўрта даромадлы мамлакатларда 1,4 миллиард мактаб ёшидаги болаларнинг 420 миллионы болалик давридаги эң оддий күнікмаларни ўзлаштира олмайды [2]. Дунё таълим инқизори илдизлари болаларнинг эрта таълими билан боғылған бўлиб, бу муаммони ҳал қилиш мамлакатлар учун эң яхши инвестицияларидан бири ҳисобланади. Мактабгача таълимнинг тасдиқланган афзалликларига қарамасдан, дунёда мактабгача ёшдаги болаларнинг фақат ярми мактабгача таълим хизматларидан фойдаланиш имкониятига эга [3].

Сўнги йилларда мамлакатимизда узлуксиз таълим тизимини ривожлантириш жараёнига берилаётган юқори даражадаги эътибор, таълим тизимининг барча босқичларида бирдек намоён бўлиб, ушбу ҳолатнинг ёрқин ифодаси мактабгача таълим ташкилотлари фаолиятида ҳам намоён бўлмоқда. Ҳозирги кунда мамлакатимизда барча соҳаларда кенг ислоҳотлар амалга оширилаётганлиги, жумладан мазкур ислоҳотларнинг устувор йўналиши сифатли таълим соҳасини комплекс ривожлантиришга алоҳида эътибор берилаётганлиги билан характерланади. Мамлакатимизда аҳоли сонининг ортиши ҳисобига таълим хизматларини кенгайтириш, таълим олувчиларнинг билим-кўнікма-малакасини шакллантириш орқали маълум самарадорликка эришиш мақсад қилиб олингандык сабабли, мактабгача таълим ташкилотлари фаолиятини ривожлантиришнинг ташкилий-иктисодий механизmlари билан бирга молиявий механизм самарадорлигини оширишни талаб этади [4].

Материя ва метод

“Молия механизми” категориясыга нисбатан илмий-назарий ёндашувлар хориж иқтисодчи олимларидан А.Ю.Казак, О.Б.Веретенникова, М.С.Марамыгин, К.В.Ростовцев тадқиқотлари доирасида атрофлича ўрганилган бўлиб, “молия механизми - субъектнинг молия тизимини обьектига нисбатан таъсири қилиш воситаси сифатида эътироф этилади [5]. Г.В.Писаренко томонидан амалга оширилган тадқиқот натижаларига мувофиқ “молия механизми - бу давлат томонидан ўрнатилган молиявий муносабатларни ташкил этиш шакллари, турлари ва усуслари тизими” [6] деб таъриф берилади. В.В.Петрушевская, Н.А.Броварь тадқиқотларига асосланган хулюсаларга мувофиқ, “молия механизми – миллий иқтисодиёт ҳамда унинг алоҳида субъектлари даражасида давлат томонидан молия муносабатларини ташкил этиш воситаси” ҳисобланади.

Мактабгача таълим ташкилотлари фаолиятини молиялаштириш жараёнлари С.В.Кузнецова, А.Н.Ильченко тадқиқотларида алоҳида ўрин эгаллайди. Тадқиқот жараённида мактабгача таълим хизматларига бўлган эҳтиёж ижтимоий-демографик омиллар таъсирида ўзгариши, мактабгача таълимни самарали фаолияти унинг фаолият юритиш жараёнларини тўғри таҳлил қилишга асосланган прогноз натижаларига асосланиш қайд этилади. Шунингдек, мактабгача таълим ташкилотлари фаолиятини молиявий тартибга солиш, бу билан мақсадли мос воситаларни танлашда математик усуслар ва моделлардан фойдаланиш тавсия этилади [7].

Иқтисодчи олимлардан Т.Маликов, О.Олимжоновлар “молия механизми - молиявий муносабатларни ташкил этишнинг давлат томонидан ўрнатилган



шакллари, турлари ва методлари тизими” [8] сифатида эътироф этадилар.

Таҳлил ва натижалар

Мактабгача таълим ташкилотларида молиявий натижадорлик болалар-нинг қанчалик юқори савияда жамият ва ижтимоий ҳаётга ва мактабга борганларида қанчалик тез вазиятга мослаша олишлари, таълим дастурларига мувофиқ билим ва кўникумаларни ўзлаштира олишлари билан баҳоланиши мумкин. Бундан фарқли равишда, самарадорлик кўрсаткичи ҳар бир болага қандай маблағ сарфланиши билан баҳоланади. Бу иккита кўрсаткичнинг уйғунлиги мактабгача таълим ташкилотларида мавжуд маблағлардан қанчалик самарали фойдаланилаётганлигини баҳолашга асос бўлиб хизмат қилиши мумкин.

Мактабгача таълим ташкилотларида таълим дастурларини молиялаштириш харажатларини режалаштиришнинг шаффоғлиги, мактабгача таълим ташкилотлари тизимида маблағлар тақсимланишининг объективлиги, харажатларни режалаштиришда нормативларни қўллаш ва маблағлар тақсимланишида қабул қилинган тегишли ваколатларни аниқ белгилаш, уларга риоя қилиш, таълим ташкилотининг ривожланиш дастурига амал қилиши, таълим дастурлари сифатининг такомиллаштирилишини рағбарлантириш учун хизмат қиласди.

Мактабгача таълим ташкилотларининг давлат ва маҳаллий бюджетлар доирасида молиялаштирилиши қуидаги йўналишларда амалга оширилади:

–мактабгача таълим ташкилоти ходимларининг меҳнатларига ҳақ тўлаш фонди, ўзида устамалар ва кўшимча тўловлар ва ижтимоий тўловларни инобатга олган ҳолда биринчи ва иккинчи гурӯх харажатлари;

–мактабгача таълим ташкилотларида таълим-тарбия жараёнини ташкиллаштириш харажатлари;

–мактабгача таълим ташкилотларида капитал харажатлар миқдори.

Мактабгача таълимни молиялаштиришнинг ўзига хос хусусияти, тўғридан-тўғри болаларнинг таълимига, болаларни парвариш ва назорат қилиш хизматларини амалга ошириш учун молиялаштириш жараёнига ажратилган харажатлар орқали намоён бўлади. Мактабгача таълим ташкилотларида болаларни сақлаш учун барча харажатлар ота-оналар томонидан қопланади. Бироқ, мактабгача таълим дастурига мувофиқ, тегишли бюджет ота-оналарга қўшимча кафолат сифатида, мактабгача таълим ташкилотларида назорат ва парвариш харажатларининг катта қисмини ўз зиммасига олиши мумкин. Ота-оналар ушбу харажатларнинг маълум қисмига, яъни 10 ёки 20 фоизигача бўлган қисмини тўлаган ҳолда харажатларнинг озгина қисмини ўз зиммаларига оладилар. Кейин эса улар томонидан тўланган маблағларнинг 20 дан 70 фоизгача бўлган қисмини компенсация сифатида оладилар.

Бугунги кунда Ўзбекистон Республикада жами 27 103 та мактабгача таълим ташкилоти фаолияти йўлга қўйилган бўлиб, уларнинг 6 387 таси давлат ва 20 716 таси нодавлат (774 та хусусий, 18 797 та оиласирий ва ДХШ асосидаги 1 145 та нодавлат МТТ) мактабгача таълим ташкилотлари ҳисобланади. Мактабгача ёшдаги 2,9 млн. нафар болалардан 1,9 млн. нафари ёки 67 фоиз болалар мактабгача таълимга қамраб олинган бўлса, уларнинг 566 996 нафарини (82 фоиз) 6 ёшли болалар ташкил этмоқда . Жамига нисбатан, мактабгача таълим ташкилотлари фаолиятида 23,6 фоизи давлат мактабгача таълим ташкилотлари, 76,4 фоизи нодавлат мактабгача таълим ташкилотлари (3,8 фоиз

хусусий, 90,7 фоиз оилавий ва 5,5 фоиз ДХШ асосидаги нодавлат МТТ) фаолияти йўлга қўйилган.

2018-2021-йилларда давлат-хусусий шериклик асосида 20 643 нафар тадбиркорлар томонидан 626 374 қувватга эга нодавлат мактабгача таълим ташкилотлари фаолияти йўлга қўйилган бўлиб, 70 мингдан ортиқ янги иш ўринлари яратилган. Хусусан, 116 267 қувватга эга 1 154 та давлат-хусусий шериклик ҳамда 510 107 қувватга эга 19 489 та оилавий нодавлат боғчалар фойдаланишга топширилган. Жами фаолияти бошланган 20 643 та давлат-хусусий шериклик асосидаги нодавлат мактабгача таълим ташкилотларига қамраб олинган 626 374 нафар болаларнинг 384 593 (61,4%) нафари ижтимоий кўмакка муҳтож оила фарзандлари ҳисобланади.

2021-2022 йилларда Ўзбекистон Республикасининг давлат бюджетидан мактабгача таълим тизимиға молиялаштириш учун ажратилган маблағлар миқдори бўйича тахлил натижаларига мувофиқ, 2021 йилда жами 6 790 361,2 млн. сўм маблағ ажратилган бўлиб, жорий харажатлар миқдори, 5 735 405,8 млн. сўмни ташкил этган. Шундан 1 887 868,0 млн. сўми ривожлантириш дастурлари учун ажратилган ҳисобланади.

Мактабгача таълимни ривожлантириш жамғармаси учун ажратила-диган маблағлар 110 000,0 млн. сўм бўлиб, бу кўрсаткич жами мактабгача таълим харажатларининг 1,6 фоизини ташкил этади. Давлат хусусий шерикчилик асосида ташкил этилган мактабгача таълим ташкилотларига субсидиялар 1 200 500,0 млн. сўмни, жами давлат бюджетидан мактабгача таълим тизимиға ажратилган маблағлар миқдорининг 17,7 фоизини ташкил этади. Болаларни бошланғич таълимга мажбурий бир йиллик тайёрлаш харажатлари миқдори 57 704,0 млн. сўмни ташкил этиб, жами харажатларга нисбатан қарийб 0,84 фоиз улушга эга бўлган.

Қамров даражаси паст бўлган туманларда мактабгача таълим ташкилотлари тармоғини кенгайтириш бўйича қўшимча чора-тадбирларни молиялаштириш учун Ўзбекистон Республикасининг давлат бюджетидан 519 664,0 минг сўмлик харажатлар амалга оширилган бўлиб, бу кўрсаткич мактабгача таълим тизимиға ажратилган харажатлар миқдорининг 7,7 фоизини ташкил этади. Шунингдек, объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар 1 054 955,3 млн. сўмни ташкил этади (2.1-жадвал).

2.1-жадвал

2021-2022 йилларда Ўзбекистон Республикасининг давлат бюджетидан мактабгача таълим тизимиға ажратилган маблағлар миқдори (млн. сўмда)¹

	2021	2022
Ўзбекистон Республикаси Мактабгача таълим вазирлиги	6 790 361,2	6 491 546,0
<i>шу жумладан:</i>		
жорий харажатлар	5 735 405,8	6 456 546,0
шундан:		

¹ 2021-2022 йилларда Ўзбекистон Республикасининг республика бюджетидан биринчи даражали бюджет маблағларини тақсимловчиларга ажратиладиган маблағларнинг чекланган миқдори тўғрисидаги маълумотлар асосида муаллиф томонидан тузилди

ривожлантириш дастурлари учун харажатлар	1 887 868,0	1 722 270,5
мактабгача таълимни ривожлантириш жамғармаси учун ажратиладиган маблағлар	110 000,0	115 500,0
<i>шу жумладан қайта тақсимланадиган маблағлар:</i>		
давлат хусусий шерикчилик асосида ташкил этилган мактабгача таълим ташкилотларига субсидиялар	1 200 500,0	1 500 000,0
болаларни бошланғич таълимга мажбурий бир йиллик тайёрлаш харажатлари	57 704,0	106 770,5
қамров даражаси паст бўлган туманларда мактабгача таълим ташкилотлари тармоғини кенгайтириш бўйича қўшимча чора-тадбирларни молиялаштириш харажатлари	519 664,0	
объектларни лойиҳалаштириш, куриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар	1 054 955,3	35 000,0

2022 йилда Ўзбекистон Республикасининг давлат бюджетидан мактабгача таълим тизимига ажратилган маблағлар миқдори 6 491 546,0 млн. сўмни ташкил этиб, 2021 йилга нисбатан давлат бюджетидан мактабгача таълим тизимига ажратилган жами маблағлар миқдори 4,4 фоизга қисқарган. Жорий харажатлар миқдори, 6 456 546,0 млн. сўмни ташкил этиб, 2021 йилга нисбатан қўшимча 12,6 фоизга ошган. Ривожлантириш дастурлари учун харажатлар 1 887 868,0 млн. сўмни ташкил этгани ҳолда, 2021 йилга нисбатан 8,8 фоизга қисқарган.

Мактабгача таълимни ривожлантириш жамғармаси учун ажратила-диган маблағлар 115 500,0 минг сўмни ташкил этиб, 2021 йилга нисбатан қўшимча 5 фоизга ортган. Шунингдек, давлат хусусий шерикчилик асосида ташкил этилган мактабгача таълим ташкилотларига субсидиялар миқдори 1 500 000,0 млн. сўмни ташкил этиб, қўшимча 25 фоизга ортган. Болаларни бошланғич таълимга мажбурий бир йиллик тайёрлаш харажатлари қарийб 2 баробарга ортиб, 106 770,5 млн. сўмни ташкил этган.

Объектларни лойиҳалаштириш, куриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар миқдори қарийб 30 баробарга қисқарип, 35 000,0 млн. сўмни ташкил этган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021-йил 10-июндаги “Қамров даражаси паст бўлган туманларда мактабгача таълим ташкилотлари тармоғини кенгайтириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” ПҚ-5144-сонли қарорига асосан қамрови паст бўлган туманларда 54 825 ўринга мўлжалланган 2 033 та оиласвий шаклдаги битимлар имзоланиб, болаларни мактабгача таълимга қамраб олишда давлат-хусусий шерикчилик улуши 2019 йилга нисбатан 14,0 фоиздан 31 фоизга оширилган.

Молия вазирлиги ва худудларга бириктирилган тижорат банклари билан ҳамкорликда 118 042 қувватга эга 1 155 та лойиҳаларни имтиёзли кредитлар билан молиялаштириш учун жами 2,1 трлн. сўм миқдорида ресурс маблағи йўналтирилган. Қолган лойиҳалар доирасида ўрнатилган тартибда молиялаштириш ишлари амалга ошириб келинмоқда.

Қамрови паст бўлган туманларда Ишчи гурух томонидан кўриб чиқилган 90 та давлат хусусий шериклик битимлари имзоланиб, ўрнатилган тартибда Молия вазирлигига молиялаштириш учун йўналтирилган.

2018-2021-йилларда давомида давлат-хусусий шериклик асосида

179 270 қувватга эга 1 733 нафар тадбиркорлар билан битимлар имзоланган.

Шундан:

- 118 042 қувватга эга 1 155 та лойиҳа тўлиқ молиялаштирилган;

- 19 643 қувватга эга 180 та лойиҳага кредит талаб этилмаган;

- 7945 қувватга эга 64 та лойиҳага имтиёзли кредит ажратиш бўйича тавсия берилган;


- 5350 қувватга эга 48 та лойиҳа Саудия тараққиёт фонди томонидан молиялаштирилган;

- 10 975 қувватга эга 97 та лойиҳага бириктирилган тижорат банклари томонидан ўрнатилган тартибда ўз маблағлари ҳисобидан имтиёзли кредит ажратиш тизими йўлга кўйилган .

2017 йилда мактабгача таълим тизимига ажратилган маблағларнинг (жами 2,0 трлн.сўм) ЯИМдаги улуши 0,7 фоизни ташкил этган бўлса, 2021-йилда 7,3

трлн.сўм маблағ ажратилган бўлиб бу кўрсаткич 1,06 фоизни ташкил этди. Шу билан бирга, Давлат бюджети харажатлари таркибида улуши 2017-йилда 4,46 фоизни, 2021 йилда келиб 4,86 фоизни ташкил этди. 2017-2021-йилларда болаларни мактабгача таълим билан қамраб олиш даражаси икки баробардан ошди. Жумладан, 2017 йилда мактабгача ёшдаги болаларнинг 708 минг нафари, 2020-йилда 1 млн 700 минг нафари, (60,9 фоиз) мактабгача таълим билан қамраб олинган бўлса, бугунги кунга қадар кўшимча 257 минг нафар (+8,5 фоиз) бола қамраб олиниши ҳисобига уларнинг сони 1 млн 957 минг нафарга (69,4 фоиз) етди.

Республикадаги барча болалар учун бир хил бошлангич имконият-ларини яратиш йўлида ҳар бир боланинг мактабга киришидан бир йил олдин умумий ўрта таълимга мажбурий бир йиллик тайёргарликдан ўтишга бўлган ҳукуқи “Мактабгача таълим ва тарбия” тўғрисидаги қонун билан кафолатланди. Эндилиқда болалар мактабга чиқишдан олдин бир йиллик мажбурий бепул мактабга тайёрловдан ўtkazilmoxda. 2022 йил якунiga мувофиқ қамраб олинган 6 ёшли болалар сони 589 минг нафарга (83,8 фоиз) етди.



1-расм. Молиявий механизмининг таркибий бўғинлари ўртасидаги интеграцион жараён²

Мактабгача таълим ташкилотлари фаолиятини молиялаштириш механизмининг таркибий тузилиши молиявий муносабатларни хилма-хиллигига мос келадиган турли элементларни ўз ичига олади. Айнан молиявий муносабатларнинг кўплиги молиявий механизмининг кўп сонли элемент-ларидан фойдаланишни белгилаб беради.

2021-2022 йилларда Ўзбекистон Республикасида мактабгача таълим ташкилотлари кўрсаткичларининг умумий таркибида давлат хусусий шерикликлиги соҳасидаги Мактабгача таълим ташкилотлари сонини 1166 тадан 1200 тага етказиш билан боғлиқ вазифаларнинг қайд этилганлиги, мактабгача таълим ташкилотлари фаолиятини қўллаб-куvvatлашда давлат хусусий шериклик тизимига алоҳида эътибор қаратилаётганлиги билан белгиланади.

Оилавий Мактабгача таълим ташкилотлари сонини ошириш Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 10 июндаги “Қамров даражаси паст бўлган туманларда мактабгача таълим ташкилотлари тармоғини кенгайтириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПК-5144-сонли Қарорига мувофиқ, болалар боғчасининг автономлигини мустаҳкамлаш, ихтисослаштирилган мактабгача таълим ташкилотларининг фаолиятини мувофиқлаштиради, алоҳида таълим эҳтиёжлари бўлган болаларни реабилитация қилиш ва маънавий-ахлоқий жиҳатдан тарбиялаш [11] бўйича зарур чора тадбирлар доирасида амалга ошириб келинмоқда.

Ўз навбатида молиялаштириш механизмининг асосий самарадорлик кўрсаткичи, мактабгача таълим

ташкилотларида болаларнинг қамров даражаси ҳисобланиб, 2021 йилда бу кўрсаткич 1608 минг кишини ташкил этган бўлса, 2022 йилда 1715,3 минг тарбияланувчига етказиш режалаштирилган [12].

Юқоридагилар билан бир қаторда шуни ҳам айтишимиз жоизки, мактабгача таълим ташкилотлари фаолиятини молиялаштириш тизимини такомиллаштиришда давлат хизматларини кўрсатиш учун иқтисодий жиҳатдан асосланган харажатлар; тегишли жамоат худудида яшовчи барча болаларнинг мактабгача таълим олиш имконияти ва шарт-шароитларини таъминлайдиган жорий механизмлардан фойдаланиш талаб этилади. Шу билан бирга, бюджет маблағлари ҳисобидан молиялаштириш учун ажратилаётган харажатларни ижтимоий жиҳатдан йўналтириш, бу борада ота-оналарнинг даромадларидан келиб чиқсан ҳолда молиялаштиришнинг тузилмавий таркибини такомиллаштиришга эҳтиёж ортиб боради. Бу каби қатор ҳолатлар Ўзбекистонда мактабгача таълим ташкилотлари фаолиятини молиялаштириш механизмининг самарадорлигини оширишда:

- мактабгача таълим субъектлари шахсиятининг ижодий салоҳиятини ривожлантириш;
- боланинг руҳий ва жисмоний саломатлигини сақлаш;
- мактабгача таълим ташкилотларида педагог кадрларининг касбий маҳоратини ошириш;
- боланинг шахсий ривожланиши кўрсаткичлари: ижодкорлик, мотивация, қизиқувчанлик, зукколик, ахлоқий ривожланиш даражаси ва бошқаларни

² Тадқикот натижаларига мувофиқ муаллиф томонидан шакллантирилган



ҳисобга олган ҳолда мактабгача таълим сифати самарадорлигини таъминлашга йўналтириш мақсадга мувофиқ.

Мактабгача таълим ташкилотлари фаолияти билан боғлиқ мазкур муаммонинг самарали ечимини таъминлашда давлат-хусусий шериклик асосидаги нодавлат мактабгача таълим ташкилотлари фаолиятини молиявий қўллаб-қувватлашга йўналтирилган халқаро молия институтларининг имтиёзли кредитларини жалб қилиш мухим аҳамият касб этади.

Хуроса.

Юуқорида келтирилган фкирлардан келиб чиқиб шуни айтишимиз мумкинки мактабгача таълим ташкилотлари фаолиятини ривожлантиришнинг молиявий механизмини такомиллаштиришни назарий-услубий асосларини тадқиқ этишга зарурият, таълим хизматлари бозорида талаб ва таклиф ўртасидаги номувофиқлик ҳолатларини вужудга келиши орқали ортиб боради. Айниқса, бозор муносабатлари шароитида таълим соҳасидаги маблағларнинг этишмаслиги таълимга бўлган талаб, таълим хизматларининг кенг доираси ва хизматлар истеъмолчилари учун

чекланган имкониятлар орқали намоён бўлади.

Мактабгача таълим ташкилотларида молиялаштириш тизимидағи мавжуд муаммоларни ҳал этиш, молиялаштириш тизимини амалга оширишнинг янги моделлари, тизим элементлари мувофиқлигини молиялаштириш манбаларига йўналтириш орқали молиялаштиришда тегишли самарадорликни ошириш талаб этилади. Бу ўз навбатида мактабгача таълим ташкилотлари ўртасидаги янги алоқаларни шакллантиришда тизимли ёндашувни амалга ошириш, таълимни молиялаштиришнинг янги моделлари бюджет ва бюджетдан ташқари маблағларнинг мос пропорциясини таъминлаш учун хизмат қиласи.

Мактабгача таълим ташкилотлари фаолиятини молиялаштириш шакллари ва уларнинг тузилмавий таркибини ҳудудлар ўртасидаги мувофиқ-лигини таъминлаш орқали мактабгача таълимни молиялаштириш жараёнида мақсадли кўрсаткичларга эришиш мумкин.



ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. UNESCO Institute for Statistics.
2. The International Commission on Financing Global Education Opportunity, The Learning Generation: Investing in Education for a Changing World, The International Commission on Financing Global Education Opportunity, n.d., , accessed 6 August 2019.
3. UNICEF 2019–2030 Education Strategy: Data and Analytics.
4. Ўзбекистон Республикаси мактабгача таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш Концепцияси
5. Казак А.Ю, Веретенникова О.Б, Марамыгин М.С, Ростовцев К.В. Денежное хозяйство предприятий : учебник для вузов. Екатеринбург, 2006. – 464 с.
6. Писаренко Г.В. Теория финансов: учеб.-метод. пособие. Минск : БГЭУ, 2018. – 49 с.
7. Кузнецова С.В, Ильченко А.Н. Проблемы финансирования дошкольных образовательных учреждений (ДОУ) // Современные наукоемкие технологии. – 2008. – № 4. – С. 170-172
8. Malikov T, Olimjonov O. Moliya. Darslik.– Т.: “Iqtisod-Moliya” 2019. – 800 б.
9. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 10 июндаги “Қамров даражаси паст бўлган туманларда мактабгача таълим ташкилотлари тармоғини кенгайтириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-5144-сонли Қарори
10. Ўзбекистон Республикаси Мактабгача таълим вазирлиги маълумотлари